*Долзарб мавзу*

**Пахта гулли товланиб турувчи пиёла жаранглаганда кулол муваффақиятининг омиллари ҳақида ўйлаганмисиз? Устанинг маҳоратию ясалажак буюмнинг пишиқ-пухта андозаси бўлмаганида оддий лойдан нафис санъат асари даражасидаги жонон пиёлани ясаш осон кечмайди. Демак, ҳар юмушнинг ютуғи уни етти ўлчаб бир кесишда. Андозаси бўлмаган ишга қўл уриш эса...**

## Маҳсулот сифати:

# УНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАШ МУМКИН?

— Бунинг турган-битгани ташвиш, — дейди Наманган вилояти ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бўлим бошлиғи Собиржон Азимов. — Шунданми, иқтисодиётни эркинлаштиришни ўз ҳолича ишлашга йўйиб, миқдор кетидан қуваётганлар, сифатни унутаётганлар ҳам, афсуски, бор. Масалан, кейинги бир йил мобайнида вилоятдаги 128 та корхона ва ташкилотда стандарт, метрологик қоидалар ва маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш тартиблари қўпол равишда бузилаётганлигини аниқладик. Натижа нима бўлди? Ўша жамоаларнинг бир сарфи иккига айланди. Ёки 19 та ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқариш, 82 та ҳолатда уни сотишни тақиқлашга тўғри келди. 18 та ишлаб чиқариш субъектига 4 миллион 613,8 минг сўм жарима қўлланилиб, 168 та масъул ходим ҳамёнидан 1 миллион 570,6 минг сўм қуртдай санаб олинди.

Бугун рақобатбардош, белгиланган андозаларга мос буюм тайёрлаганнинг иши беш, маҳсулоти омбордан нарига чиқа олмаётган ишлаб чиқарувчига эса нон йўқ. Бозор иқтисодиётининг талаби шундай. Унда мазкур оддий ҳақиқатни унутаётганлар кимлар?

Вилоятдаги кўҳна корхоналардан бири — «Камолот» пойабзал ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятидагилар ўз маҳсулотларининг бозори сустлигидан нолишади. Бироқ ўзлари тикаётган оёқ кийимлари сифати устида бош қотириш хусусида ўйлашмайди. Аслида ҳар уч маҳсулотдан иккитаси стандарт талабларидан йироқлиги учун унинг талабгори йўқ. Ҳунармандлар қўлидан чиқаётган эркаклар ва болалар этигини тикиш технологияси бузилган, тагликлари нотекис, номигагина елимланган. Назоратчилар сотишга шайлаб қўйилган 733 жуфт маҳсулотни яроқсиз, деб топишган паллада мутасаддиларнинг нафаси ичига тушди. Катталар ва болалар ички кийимлари тикишга ихтисослаштирилган «Янгиқўрғон тикув-трикотаж» ҳиссадорлик жамиятида ҳам «мендан кетгунча» қабилида ишлашга одатланишган экан. Тайёрланаётган кийимларнинг чоклари мустаҳкам эмас, иплари чувалашиб ётибди. Ёрлиғи тўлғазилмаган. Боз устига, мувофиқлик сертификати йўқ. Айни шу масалага жавобгар бўлган бўлим бошлиғи Г. Тошматовнинг эса парвойи палак.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддасида «Сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар мувофиқлик сертификатисиз сотилган тақдирда сотилган маҳсулот баҳоси миқдорида иқтисодий жаримага тортилади» дея белгилаб қўйилган. Лекин «Чортоқ ғишт заводи» масъулияти чекланган жамияти раҳбарлари ўзларини бундан бехабардай кўрсатишади. Бўлмаса, бир йил ичида икки бор айни шу масала бўйича жавоб беришларига тўғри келармиди?! Тайёрланган ғиштларга мувофиқлик сертификати йўқлигидан ўтган йил июлида уларга маҳсулот сотиш тақиқлаб қўйилганди. Бироқ парво қилишмади. Шу йил март ойида тегишли рухсатномасиз 168,5 минг сўмлик ғишт аравага юкланган паллада қоидани қайта бузаётганликлари фош бўлди.

Сифати талабга жавоб берадими-йўқми, молини пуллаб қолишга интилаётган тижоратчиларнинг кўпайгани ҳам афсусланарли ҳолдир. Улар нархи арзон, яроқлилигига кафолат йўқ буюмларини харидор кўзини шамғалат қилиб сотишади-да, ҳеч нарса кўрмагандай, кўзларини лўқ қилиб тураверишади. Наманган шаҳар «Чорсу» деҳқон бозори ҳудудидаги «Цезар» хусусий дўкони сотувчиси З. Умаров сотаётган турли хил ҳажмдаги челакларнинг на санитария-гигиена ҳужжатлари, на сертификати бор. «Руҳланган пўлатдан тайёрланган бу челаклардан фойдаланиш соғлиққа зиён етказмайдими?», деб саволни берсангиз, Умаров елка қисади. Ишлаб чиқарилган жойи, белгиланган андозаларга мос келишининг тайини бўлмаган ана шундай маҳсулот билан савдо қилаётган Ёқубжон Жўраев, Адҳам Иброҳимов сингари хусусий тадбиркорларнинг ноқонуний ишлари ҳам ҳамёнларига зарар келтирди, холос.

Давлат стандарти талабларига зид иш тутаётганларнинг яна бир тоифаси бор. Улар сизу биз ҳар доим истеъмол қилаётган ош тузи савдоси билан шуғулланадилар. Бироқ маҳсулотларнинг аксарияти сифатсиз, йод билан етарли тўйинтирилмаган. Стандартлаштириш ва метрология хизмати ходимлари санитария-эпидемиология назорати ва ҳуқуқ идоралари вакиллари билан сўнгги пайтларда 44 марта рейд уюштиришди. Шу жараёнда 684 намунадаги ош тузи лаборатория таҳлилидан ўтказилганда, 121 тасида йод умуман йўқлиги, 160 тасида эса меъёрдагидан анча камлиги аниқланди. Шу боис фойдаланишга яроқсиз 61685 килограмм туз савдодан олинди.

Юртимизда импорт ўрнини босадиган, экспортбоп ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор берилаётган бир пайтда юқоридаги сингари ҳолатларнинг учраши, албатта, афсусланарлидир. Истеъмолчи ҳуқуқини бузишнинг бундай кўринишлари тегишли баҳосини олиши лозим, албатта. Лекин сизу бизга тавсия этилаётган маҳсулот сифатини аниқлаш ҳар доим ҳам осон кечадими?

— «Сардоба» бозоридаги дўкончадан колбаса сотиб олдим, — дейди Наманган шаҳрида яшовчи Абдулаҳад Аҳмедов. — Уйга бориб, еб кўргач, ҳафсалам пир бўлди. Сирти чиройли кўрингани билан ичида майдаланган ловиядан бошқа нарса йўқ ҳисоби. Дарҳол бозорга қайтдим, сотувчи мувофиқлик сертификатини кўрсата олмади. Стандартлаштириш идорасидагиларни ёрдамга чақирдим. Бироқ улар ҳам ёрдам беришолмади.

— Харидорнинг айтгани тўғри, яроқсиз маҳсулот сотаётган ёки носоз ўлчов асбобидан фойдаланаётган сотувчи фаолиятини истеъмолчи айтган пайтда ўрганишимиз қийин, — дейди стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи Абдурашид Убайдуллаев. — Белгиланган тартибга кўра, ҳар қандай текширишни ўтказиш учун, аввало, вилоят мувофиқлаштирувчи кенгашининг рухсатини олиш лозим.

Убайдуллаевнинг айтишича, кенгаш рухсат бериши учун камида уч кун вақт керак экан. Ваҳоланки, бу муддатда қоидабузар сифатсиз молини тўла сотиб улгурган бўлади. Маҳсулот сифати, унинг давлат андозаларига мослигини таҳлил этиш масаласининг шу тахлитда ечилиши стандартлаштириш ва метрология хизматидаги долзарб муаммолардан бўлиб турибди.

Сифат ҳар бир ишлаб чиқарувчининг юзи-кўзи, истеъмолчи эса уни талаб қилишга тўла ҳақли. Ўртадаги мувофиқликни таъминлашга жалб этилганлар қаторида стандартлаштириш хизматининг алоҳида ўрни бор.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Фармондан сўнг*

# ЕРГА ЭГАЛИК МАСЪУЛИЯТИ

## аввало, шартнома мажбуриятларига қатъий риоя қилишни тақозо этади

***— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижроси юзасидан Мирзачўл тумани прокуратураси билан ҳамкорликда ўтказган мониторинг-текширув давомида ачинарли далилларнинг гувоҳи бўлдик, — дейди Жиззах вилояти адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси М. Якубов.***

— Масалан, «Мирзачўл» агрохизмат марказининг собиқ раҳбари мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, давлат заҳирасида бўлган 15 гектар ерни қўшни Сирдарё вилояти фуқароларига «топшириб» қўйибди. Раҳбарнинг ўз қилмишига олдиндан ҳозирлик кўриб, мазкур майдонни 2004 йил ҳосилини етиштириш учун белгиланган режага киритмай қолдирганига «қойил» қолиш керак.

«Янглиш ая» фермер хўжалиги раҳбари М. Гулмуродов эса дангал йўл тутибди. Чигит экишга мўлжалланган ернинг 12 гектарини плёнка остига полиз маҳсулотлари экиш учун фуқаро Ўрол Қултоевга «ҳадя» этибди.

Ҳар икки раҳбарнинг бу қилмишларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Негаки, вилоятда бу йил ҳар гектар ердан унумли фойдаланиш, ғалла ва пахта етиштириладиган майдонлар ҳолатини яхшилаш борасида ибратли ишлар бошланди. Мавжуд фермер хўжаликлари фаолиятини назорат қилиш, уларга амалий ёрдам уюштириш мақсадида алоҳида ҳомийлар белгилангани аксарият туманларда чигит экиш жараёнидаёқ ўз самарасини берди.

Ҳозирги кунда ҳам ходимларимиз асосий эътиборни барча тармоқларда шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашга қаратмоқда. Пировардида ўз вазифасини уддалай олмаётганлар, қонунбузарларга нисбатан тегишли чоралар қўлланилаяпти.

Йилнинг дастлабки чорагида вилоят ер ресурслари бошқармаси томонидан экин майдонларига нотўғри муносабатда бўлган 50 нафардан зиёд жавобгар шахсга маъмурий жазо белгиланди. 364498 сўм миқдорида жарима ундирилди.

Жойларда ўтган хўжалик йили якунлари ҳамда бу йилги мавсумга тайёргарликнинг аҳволи, дастлабки натижалар таҳлил этилиб, ердан зарур миқдордаги ҳосилни ололмаётган ёки экинзорлардан бошқа мақсадларда фойдаланаётганлар хўжалик судларига берилаяпти.

Жорий йил бошидан вилоят бўйича 179 фермер хўжалигидан 10 минг гектардан зиёд ер қайтариб олинди. Бундайлар, айниқса, Арнасой туманида кўп.

— Республика «Ер кодекси»нинг 36-модда, 7-бандида ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, жумладан, қишлоқ хўжалиги ерлари ҳосилдорлиги уч йил мобайнида кўзда тутилганидан паст бўлса, ерни узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси бекор қилиниб, ер қайтариб олиниши белгилаб қўйилган, — дейди вилоят хўжалик суди судьяси Абдунаби Қаҳҳоров. — Бу ҳар бир фермер хўжалиги раҳбарини ҳушёр торттириши, ерга бўлган муносабатини, масъулиятини ошириши даркор.

Тумандаги «Фарғона» агрохизмат маркази ҳудудида деҳқончилик қилаётган «Шерзод-3» фермер хўжалиги раҳбари Б. Файзуллаев бу ҳақиқатни 3 йил мобайнида тушуниб етмабди. Жамоада сурункасига давлатга ҳам ғалла, ҳам пахта сотиш режалари барбод этилди. Оқибатда хўжалик суди қарори билан шу йилнинг март ойида фермер хўжалиги ҳисобидаги 25,3 гектар экин майдони олиб қўйилди.

Й. Зоҳидов номли агрохизмат марказидаги «Райҳон ая» фермер хўжалиги раҳбари Акбарали Каримов ҳам ўз манфаатини ўйлаб режадаги 3 гектар ўрнига 6,3 гектар ерда томорқа қилди. Ўз томорқасига берилиб, 15,3 гектар ердаги ғўза ҳамда 12 гектар майдондаги ғалла парваришини унутди. Оқибатда режадаги 45 тонна ўрнига 15 тонна пахта, 59 тонна ўрнига 35 тонна ғалла топширди, холос.

Республика Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонининг 4-бандида ердан бошқа мақсадларда фойдаланиш ижара шартномасини қўпол бузиш ҳисобланиши очиқ-ойдин таъкидланган. Бу ёғи одил суд ҳукмига ҳавола.

Шу жамоадаги «Элтой ЖМ» фермер хўжалиги раҳбари Ж. Элтоев «Қозоғистон» агрохизмат марказига қарашли «Бойжон ХР» фермер хўжалиги раҳбари З. Умурзоқова ҳам ўз ҳисобларидаги экин майдонларини қайтариб беришга беришди-ю, энди ишлаб чиқарилмаган пахта ҳамда ғалла учун кетган уруғлик, ёнилғи, ўғит, техника каби харажатлару шартномада кўрсатилган хомашё топширилмагани учун тўланадиган жарималардан бошлари қотиб юришибди.

Ер — давлат мулки, улкан хазина манбаи. Ана шу мулк, ана шу бойликни яратиш имконияти ўзимизга ишониб топширилган. Тадбиркорларнинг бу йўлдаги ҳар қандай саъй-ҳаракати, ташаббуси қўллаб-қувватланаверади. Жумладан, уқувсиз фермерлардан қайтариб олинаётган ерлар ҳам очиқ тендер асосида ишбилармон деҳқонларга топширилади. Бундан ташқари, вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг ер ресурсларидан унумли фойдаланиш ҳақидаги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида 40 та паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган хўжаликнинг ерлари фермер хўжаликларига бўлиб берилди. 63 та ширкат хўжалиги эса ижара муносабатларига ўтказилди.

Демоқчимизки, ерни ўзининг ҳақиқий эгаларига топшириш йўлидаги изланишлар, интилишлар давом этаверади. Ер умрининг бекор ўтиши, ундан кимларнингдир фақат ўз манфаатларини кўзлаб фойдаланишларига йўл қўйилмайди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Бош оғриқ маскан...ми?

*Луқма*

Бир мултфильм бор. У асаларилар ҳақида. "Асалари Мая" деб номланади. Челак кўтарган митти асаларилар бутун гулзор бўйлаб визиллаб учади, қўшиқ куйлаб, гулдан-гулга қўнади, бол йиғади. Ҳозир ҳам челак кўтарган одамларни кўрсам, негадир ўша мултфильмдаги манзара кўз ўнгимда гавдаланади. Чунки бу одамлар ҳам у ҳовлидан-бу ҳовлига тинмай кириб-чиқиб сув излашади. Уларнинг айтишича, бундай ҳолат тез-тез такрорланиб, ўн-ўн беш кунгача давом этаркан.

Йўқ, улар Саҳрои Кабирда эмас, шундоққина пойтахт биқинидаги Зангиота туманининг Ўртаовул қўрғони "Ўзбекистон" маҳалласида яшашади. Бу жой азалдан "Гўшткомбинат" номи билан машҳур.

Баъзилар кўпқаватли уйларда сувсиз бир кун ҳам яшаб бўлмайди, деб ўйлашади. Бекор гап. Мана, маҳалладаги ўн саккизта уйда истиқомат қиладиган уч ярим мингдан зиёд киши сувсиз яшашга кўникиб қолган-ку!

Одамзод ҳамма нарсага кўникар экан. "Гўшткомбинат" туман мутасаддилари учун бош оғриғига сабаб маскан эмасмикан, деб ўйлаб қоласан, киши. Чунки ўтган асрнинг етмишинчи йилларида қурилган бу уйлар охирги марта қачон таъмирланганини, қоғозга қаралмаса, ҳеч ким эслай олмайди. Ана, оқибати: бир кун қувур ёрилади, бир кун чироқ ўчади, ҳафталаб сув бўлмайди ( иссиқ сув ҳақида-ку фақат орзу қилиш мумкин), яна бошқа муаммолар. Ўн йилдан буён ўн-ўн беш гектарлик майдонда «чўзилиб ётган» гўшт комбинатидан эса фойда йўқ.

"Гўшткомбинат" кўчаси, тўғрироғи, "Ўзбекистон" маҳалласи худди туяқушга ўхшайди. Туяқушга қуш бўлсанг, уч дейишса, йўқ мен туяман, деркан. Туя бўлсанг, устингга юк ортайлик, десалар, йўқ, мен қушман дер эмиш. Кўп қаватли уйлари бўлгани билан бу ерни шаҳар деб бўлмайди. Қишлоқда жойлашгани билан қишлоқ ҳам эмас.

Бу жойга бораман, деган одамнинг, аввало, асаби темирдан бўлиши керак. Эҳтимол, ичакларингиз йўлларнинг ўйдим-чуқурлигига дош берар, аммо машинангиз қарғишига қолишингиз аниқ.

Пойтахтга яқин, шундоққина оёғи остидан темир йўл ўтган, бир томони катта йўлга туташ бу маҳалла, ҳақиқатан ҳам, "ноқулай" ерда жойлашган. Маҳалла аҳолисининг бир қисмини шаҳарга қатнаб ишлашини инобатга олмаганда, бу ерда тайинли ишнинг ўзи йўқ.

Хўш, пойтахтнинг шундоққина биқинида жойлашган, салкам тўрт мингга яқин аҳоли яшайдиган мавзедаги муаммоларни ким ҳал қилади? Тўғрироғи, бунга ким айбдор? Эҳтимол, улкан чинорлар орасида, кўздан панада қолиб кетган бу жой туман мутасаддиларининг эсидан ҳам чиқиб кетгандир. Негаки, бугунги ривожланаётган юртимизда бирорта кутубхона, бирор бир тузукроқ стадион, болалар спортини ривожлантириш учун мутлақо ҳаракат бўлмаган жойни эсдан чиқди, демай яна қандай аташ мумкин, ахир...

Хуллас, айтаверсак, гап тугамайди. Аммо вилоят, туман мутасаддиларига иддао қилишнинг ҳам ҳожати йўқ. Ҳар ким ўз муаммосини ўзи ҳал қилгани дуруст. Ахир ғалла бошоқлаб қолди. Уни озиқлантириш керак. Бу ёқда пилла, пахта кутиб турибди. Ҳокимликларнинг сувсиз қолган уч ярим минг кишига сув етказиб беришдан, бундаги муаммоларни ҳал этишдан бошқа ишлари йўқми?!

Шундайликка шундайку-я, лекин Юртбошимиз қишлоқ хўжалиги ишларини деҳқоннинг, фермернинг ўзига қўйиб бериш кераклигини, ҳокимликлар халқнинг ижтимоий аҳволи билан кўпроқ қизиқиши лозимлигини бот-бот такрорлайдилар-ку! Шунданми, биз ҳам бу ердаги одамлар дардини айтишга ботиндик...

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



## Эҳтиёждан ортгани — экспортга

*Кейинги йилларда халқ хўжалигининг турли тармоқларига замонавий технологияларнинг кириб келиши билан маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш тури ҳамда ҳажми кундан кун ортиб бораяпти.*

*Бухородаги Ўзбекистон — Германия «Зиёбахш Уни Трейдинг» қўшма корхонасида сифат ва самарадорликка катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу корхонада йилига 1 миллион деколитрдан зиёд чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда. Қувонарлиси, «Зиёбахш Уни Трейдинг» маҳсулотлари қўшни давлатларга экспорт ҳам қилинаётир.*

**СУРАТДА: қўшма корхона етакчи мутахассиси Розахон Тўхтаева.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Қилмиш — қидирмиш*

# Кўзи очилди

Абдулҳаким Турсуналиев, Мухтор Муҳиддинов ва Носир Насриддиновлар бир-бирига бутунлай бегона. Иккиси Янгиқўрғон туманидаги Нанай қишлоғида турса, учинчиси Наманган шаҳрида яшайди. Бироқ, уларнинг ўзаро ўхшаш жиҳатлари кўп. Жумладан, учови ҳам бирор ерда ёлчитиб ишламаган, оғирнинг усти-ю енгилнинг остидан юришга одатланган. Жонни койитмай пул топиш ҳақида гап очилса, қулоқлари динг бўлиб тинглашади. Қорадори савдосига қўл уриб, бирданига бойиб кетишни мўлжаллаган «уч оғайни ботир»ларнинг режаси уларни боши берк кўчага етаклагани ҳам шундан.

Ўтган йилнинг октябри эди. Носир Абдулҳакимга яхшигина «битим» борлигини, уддасидан чиқишса, дурустгина чойчақа ишлаб олишлари мумкинлигини айтади. «Қандай юмуш?» деган саволга жавобан, «Тоҳир исмли танишимнинг россиялик меҳмонига бир кило «дори» топиш керак, 25 минг нақд «кўки»дан санайди», дейди. Таклиф Абдулҳакимга мойдек ёқиб тушади. Икковлон ёнларига Муҳтор Муҳиддиновни олиб, «дори»ни топиш ва манзилга етказиш режасини ишлаб чиқадилар. Унга кўра, Косонсой шаҳрига бориб, у ерда яшовчилардан 2 кило героин олиш мўлжалланганди. Пулини кейинчалик бериш шарти билан «мол»ни қўлга киритган учарлар уни эгаларига етказиш мақсадида келишилган жой — Янгиқўрғон туманидаги Қора янтоқ қишлоғи четидаги дала йўлига шошадилар. Бу ерда уларни «харидорлар» — махсус тадбирга жалб этилган милиция ходимлари кутаётган эди. Абдулҳаким эндигина 25 минг АҚШ долларини санаб олаётган паллада тезкор ходимлар ўзларини танитишди. Бироқ, у осонликча таслим бўладиганлардан эмасди. Шериклари билан милиция ходимларига қарши курашга ўтиб, ўзи келган машинадаги милтиқдан қаторасига икки марта ўқ узади ва воқеа жойидан қочиб қолади.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача. Жиноятчилар саноқли соатлар ичида қўлга олиниб, қуролсизлантирилади.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди қорадорифурушларнинг қилмишларига адолатли баҳо берди. Энди улар ҳаётининг 14-16 йилини хонадонлари, фарзандларидан йироқда, жазони ўташ муассасаларида ўтказишади.

Қилмиш-қидирмиш деганлари шу. Ови юришса ҳам дови юришмаган бу кимсалар ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол кун кечираётганлар сингари юришганида бу кўргиликлар қаёкда эди. Уларнинг қисмати заҳри қотил савдоси билан шуғулланиб, чўнтагини қаппайтириш илинжида юрганларнинг кўзини мошдай очиб қўйса ажаб эмас.

**Дилшод ОМОНОВ,**
**Наманган вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия кичик маслаҳатчиси.**



## Сафар таассуротлари

***Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, дейилади халқ мақолида. Биз, ўзбекистонлик кичик бир гуруҳ журналистлар яқинда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси шафеълигида Хитойда сафарда бўлиб, бу мақолнинг чуқур ҳикматли эканлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилдик.***

***Албатта, бу улуғ давлат ва унинг халқи тўғрисида ҳар биримиз унча-мунча эшитганмиз, китоблар ва газеталардан ўқиб билганмиз, Хитойда шу кунларда юз бераётган ўзгаришларни аҳён-аҳёнда телеэкранларимиз орқали кўриб турамиз. Бироқ Хитойга бир ҳафталик қисқа сафаримизнинг ўзи бу мамлакат билан боғлиқ узуқ-юлуқ тасаввуримизга жиддий аниқликлар киритди, кўп янги маълумотлар эвазига ҳатто янгилади, бойитди ҳамда чуқурлаштирди.***

***Хитой сафари таъсирида бизда туғилган дастлабки умумий хулоса ҳам аслида шундай: «Ҳа, минг марта эшит, аммо лоақал бир марта кўргин экан...»***

# ШАРҚНИНГ АЛП ДАВЛАТИ

## ёки Хитой суратига чизгилар

### Кўҳна цивилизация диёри

Муаззам Шарқ қадимги Миср, Бобил, Ҳиндистон, Туронзамин цивилизациялари билан машҳур. Хитой — ана шу ҳудудлар қаторида Ер юзидаги цивилизациянинг яна бир кўҳна бешигидир.

Қадимий солномаларда айтилишича, милоддан аввалги 2070 йилларда бу мамлакатда Ся деган ҳукмдор бошчилигида илк давлат шаклланган. Унинг сулоласи деярли 400 йил Хитойни бошқарган. Шундан кейинги ўтган деярли 2 минг йил мобайнида яна ўнлаб ҳукмдорларнинг сулолалари давр сурган. Уларнинг тарихига оид афсоналар, ривоятлар ҳалигача бу мамлакат адабиёти ва санъати намояндаларининг ижодига илҳом бағишлаб келади.

Мозийга қайтиб гапирадиган бўлсак, яна битта қадимги Хитой ҳукмдори тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли бўлади. Бу — Цинь деган императордир. Уни «Шихуанди» ҳам дейишади. «Шихуанди» — биринчи император дегани. Император Цинь Шихуанди милоддан аввалги 221-207 йилларда Хитойда қудратли марказлашган давлатни ташкил қилган. Худди ана шу император ўн йил ичида 300 мингдан кўпроқ одамни Хитойнинг шимолида 5000 километр масофага чўзилган машҳур Буюк Хитой деворини тиклашга сафарбар этган. Дунёдаги етти мўъжизанинг бири сифатида машҳур бу улкан, тош-метин ва энг узун деворни бориб кўрдик. Ёмғир ёғиб турса-да, тоғлар елкасидан ўтиб, нариёғи туманлар ичига шўнғиб кетган буюк девор устида ер юзининг турли минтақаларидан келган сайёҳлар кўп эди.

Хитой тарихида «Баҳор», «Куз» ҳамда «Жангари ҳукмдорлар» (милоддан аввалги 770-221 йиллар) деб ном қозонган ўзига хос даврлар ҳам бор. Бу тарихий даврларда илм-фан, техника, ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожи мислсиз юксакликларга кўтарилган. Масалан, антик Грецияда Суқрот, Платон, Аристотель сингари буюк файласуфлар пайдо бўлганидек, биз эслаган тарихий даврларда Хитойда ҳам Конфуций, Лаоцзи, Моцзи, Сюнцзи, Мэнцзи каби буюк донишмандлар майдонга чиқиб, ҳар бири ўзининг фалсафий, илмий мактабини яратган. «Фақат олимлар баҳсга киришсин!» — Хитой алломаларининг шиори ана шундай бўлган. Улардан қолган бой ва нодир фалсафий, илмий, сиёсий, таълимий-ахлоқий мерос бугун фақат хитойликларни эмас, балки бутун инсониятни мафтун этиб келмоқда.

Яна бир ноёб тарихий ҳақиқат шуки, қадимги Хитой илмий-техник тафаккури яратган 4 та ихтиро — Хитой қоғози, китоб наширлиги, компас ва ҳарбий ўқ-дорилар — инсоният ривожига кескин таъсир кўрсатган. Шунингдек, милоддан аввалги 1100 йилликда хитойликлар сузувчи кўприкларни яратганлар. 475-221 йилларда эса жаҳондаги энг биринчи астрономик манбалардан ҳисобланувчи «Осмон жисмлари жадвали»ни ҳам Хитой олимлари тузган.

XX аср бошида Хитой тарихида туб ўзгаришлар содир бўлди. 1911 йилда Сунь Ятсен раҳнамолигида Хитой халқи бошлаган кураш туфайли 2000 йиллик феодал бошқарувига ҳамда мустабидликка барҳам берилди. Хитой «Республика» деб эълон қилиниб, бу кўҳна заминда янги, замонавий ҳаёт бошланди...

Хитой тўғрисида гап кетганда, унинг мутлақо бетакрор яна икки жиҳати тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз. Хитой ўз ҳудудининг кенглиги жиҳатидан дунёда — Россия ва Канададан кейин — учинчи йирик мамлакатдир. Бундан-да жиддий ўзига хослик — Хитойнинг 1 миллиард 300 миллионлик беҳад катта аҳолига эга супердавлат эканлигидир. Хитойдаги аҳолининг 92 фоизи — ханцилар. Улардан кейинги, нисбатан кўпчиликни ташкил этган миллатлар — мўғуллар, хуэйцилар, тибетликлар ва уйғурлардир. Умуман, Хитой Халқ Республикасида ҳозирги кунда 56 та катта ва кичик миллат ҳамда элат яшайди.

Ханци тили давлат тили ҳисобланади. Хитойдаги хуэйцилар ва манжурлар ҳам ханци тилида сўзлашадилар. Қолган 53 миллат ва элат асосан ўз тилларида ўзаро муомала қилишади. Хитойда 20 дан кўпроқ миллат вакилларининг ўз миллий ёзувлари бор. Улар миллий мактабларга, адабиёт ва матбуот нашрларига эга.

### Хитой феномени

Сўнгги йилларда Хитой Халқ Республикаси ҳаётида оламшумул ўзгаришлар юз беряпти. Ер юзидаги деҳқончиликка яроқли ер майдонларининг атиги 7 фоизига эга бўлгани ҳолда, ХХР инсониятнинг бешдан бир қисмини, яъни 21 фоизини боқяпти ва имкон қадар иш билан таъминлаяпти. Ёки Хитойда ялпи ички маҳсулот ҳажми йилига ўрта ҳисобда 9,5 фоизни ташкил этяпти. Бу — дунёдаги энг юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичидир. Хитой бугун энг замонавий техника ва энг юқори технологиялар мамлакатига айланмоқда...

Бундай улкан ютуқлар дунёда Хитойга бўлган қизиқишни кучайтириб юборди. Ҳатто «Хитой феномени» деган ибора ҳам пайдо бўлди.

### Режалаштиришдан — эркинлаштиришга

Бу феноменнинг сиру синоати нимада? Қандай қилиб хитойликлар бугунги кучли замонавий тараққиёт йўлини топиб олдилар? Сафаримиз мобайнида биз ҳам, энг аввало, ана шу масалаларга қизиқдик. ХХР Давлат Кенгаши матбуот девонида меҳмон бўлганимизда, шу девон вице-вазири Цянь Сяоцянь бизга Хитойда эришилаётган ютуқларнинг айрим энг муҳим омиллари тўғрисида сўзлаб берди.



Хитой Халқ Республикаси ташкил топган 1949 йилгача бу мамлакатда энг қулай йилларда 445 тонна калава ип, 2,79 миллиард метр газлама, 61,88 млн. тонна кўмир, энг ҳосилдор йилларда 150 миллион тоннагача дон ва 849 минг тоннагача пахта ҳосили етиштирилган.

Орадан 50 йил ўтиб, Хитой дунёдаги улкан салоҳиятли йирик иқтисодиёт ўлкасига айланди. Қандай қилиб?

Маълумки, ўтган асрнинг 50—80-йилларида Хитой юқоридан режалаштириладиган иқтисодиётни юритиб келди. Бироқ бундай тартиб иқтисодиётнинг эркин ва ўз қонунлари асосида ривожланиш салоҳиятини чеклаб қўйди. 70-йиллар охирида Хитой раҳбарияти дунё ва Хитой иқтисодиёти ўртасидаги узилишга жиддий эътиборни қаратдилар ва иқтисодий ривожланишнинг эркинлаштириш (либераллаштириш) сиёсатини танладилар.

### Қишлоқдаги ислоҳотлар

Ислоҳотлар, аввало, 1978 йилда қишлоқлардан бошланди. Одамларда ер ва мулк учун масъулият ҳис-туйғусини ошириш йўлидан борилди. Деҳқончиликда оилавий пудрат усули қўлланила бошланди. Деҳқонлар ерга шахсан эгалик қилиб, қишлоқ хўжалик меҳнатини ва қанақа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ўзлари эркин, мустақил ҳал эта бошлашди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархларини юқоридан белгилаш барҳам топди. Умуман, мамлакатда барча товарларнинг олди-сотдиси халқнинг ўзига эркин қўйиб берилди.

Хитойда кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги пайдо бўлди, ўзига хос посёлка-волост қишлоқ хўжалик уюшмалари вужудга келди. Яъни тарқоқ, турли одамларга қарашли ер майдонлари бирон тадбиркор ёки жамоа томонидан ижарага олиниб ёки пай усулида бирлаштирилиб, ер майдонларининг имкониятлари кучайтирилди. Бундай ерларни эса сув билан таъминлашда муаммо бўлмайди, техника билан ишлаш осонлашади, замонавий деҳқончилик технологияларига йўл очилади.

Шундай қилиб, сўнгги йилларда айрим қишлоқ хўжалик минтақаларида йирик, энг замонавий техника билан қуролланган йирик деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик ва ҳоказо фермер хўжаликлари дунёга келди. Илғор технологияларнинг қишлоққа кириб келиши натижасида чорва моллари зотлари ва деҳқончилик экинларининг селекцияси кучайди. Бир хил экинлар ўрнини хилма-хил экинлар эгаллади.

Ҳозирги пайтда Хитой қишлоқ хўжалигида экологик соф маҳсулот етиштириш учун курашга киришилди. Деҳқонлар кимёвий ўғитларни қўлламасдан, тоза ва мўл-кўл маҳсулотлар етиштириш усулларини ўзлаштирмоқдалар. Бунинг сабаби шуки, Хитой бозорларида гарчи экологик тоза маҳсулотларнинг нархи баланд бўлса-да, шаҳар аҳолиси шундай маҳсулотларни талашиб-тортишиб харид қилмоқдалар. Бу эса деҳқончиликда серҳосил ва мағзи тўқ селекция-навчиликка ҳамда янги экологик технологияларга қизиқишни орттирмоқда.

Шундай қилиб, 800 миллион қишлоқ хўжалиги ходимини ўз сафида бирлаштирган Хитой деҳқончилиги ва чорвачилиги тубдан ўзгармоқда. Мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қаҳатчилиги, нон карточкалари даври тарих бўлиб қолиб, энди маҳсулот мўл-кўлчилиги ва ранг-баранглиги даври бошланмоқда. Бу соҳада ислоҳотлар давом этяпти.

### Юқори технологиялар сари

Хитой саноатида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда. Илгари тўқимачилик ва пойабзал саноати маҳсулотлари Хитойнинг дунё бозоридаги рақобатбардош товарлари бўлган бўлса, сўнгги йилларда бу мамлакатда маиший электроника, коммуникация воситалари, фармацевтика саноати ва компьютер маҳсулотлари каби юқори технологияли ишлаб чиқариш жабҳалари ҳам шитоб билан ривожланди.

Бугун Хитой ишлаб чиқариш тузилмалари стратегик ўзгаришлар босқичини бошдан кечирмоқда. Айниқса, информатика соҳасида кескин юксалишлар содир бўлмоқдаки, бу энди умуман ҳозирги даврнинг бош белгисидир. Электрон ва компьютер маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича Хитой жаҳонда пешқадам мамлакатлар қаторига кириб боряпти. Рангли телевизорлар, аудиосистема ва телефон аппаратлари ишлаб чиқариш йўналишларида эса бу мамлакат ҳозирнинг ўзида биринчи ўринни эгаллаб турибди. Фақат мобиль телефонлар ишлаб чиқаришнинг ўзи Хитойда кейинги 10 йил ичида 3 минг баробар ўсиб, АҚШни қувиб ўтди.

Мамлакатда компьютерлар, компьютер дастурлари, микросхемалар сингари юксак технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг салмоғи тўхтовсиз ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда «Made in China» тамғали бундай маҳсулотларни дунёнинг исталган бозорида учратишингиз мумкин.

### Велосипеддан — автомобилга

Хитой шаҳарлари кўчаларида велосипедда кетаётган одамларни кўплаб учратасиз. Йўлларда велосипед қатнови учун махсус йўлаклар ажратилган. Бу мамлакатда велосипедга эътибор кучли эканлигининг бир неча сабаблари бор. Аввало, арзон ва қулай. Қолаверса, велосипедда ҳаракатланган кишининг саломатлиги анча тикланади. Яна бир муҳим томони шундаки, велосипед экологик муҳитнинг тозалигини сақлашда ҳам жуда қўл келади. Мана шундай омиллар Хитойда бу оддий транспорт турига астойдил ихлоснинг бош сабабларидир.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда Хитойда машинасозлик саноати, айниқса, енгил автомобилсозлик тез ва кенг кўламда ривож топяпти. Бугун Хитойда 120 дан кўпроқ автомобиль заводи ишлаб турибди. Уларнинг ҳар тўрттасидан бирида енгил автомобиллар ишлаб чиқарилади. Ўтган йил 4,4 миллион дона автомобиль тайёрланган бўлса, жорий йилда бу рақам 10 миллионга етказилиши кўзда тутилган. Йирик Хитой компаниялари автомобилсозликка борган сайин кўпроқ сармоя ажратмоқда. «Женерал моторс», «Мерседес-Бенц», «Форд», «Тойота», «Хёнд», «Дэу» каби энг нуфузли хорижий компаниялар ҳам Хитойда ҳамкорликда автомобилсозлик бўйича йирик қўшма корхоналарни вужудга келтирган. Бундай ривожланиш хитойликлар учун катта имкониятлар яратаяпти. Аввало, автомобилсозлик корхоналарида, техник хизмат нуқталарида, йўл қурилишида, ёнилғи қуйиш шохобчаларида, йўл бўйи ошхоналарида ва турдош бошқа жабҳаларда ўн минглаб янги иш ўринлари очилаяпти. Қолаверса, мамлакатда автомобиль арзонлашаяпти. Бугун Хитойда ҳар бир киши автомобиль қийматининг 20 фоизини тўлаб, уни харид қилиши мумкин. Қолган 80 фоиз қарзни 8 йил мобайнида узиб боради. Шу боисдан Хитойда енгил автомобилли фуқаролар тобора кўпаймоқда.

### Тараққиёт моделлари

Хитойда ҳозирги кунда бешта Алоҳида эркин иқтисодий ҳудудлар фаолият кўрсатаяпти. Шэньчжэнь, Джу Хай, Шань-Тоу, Шиа-Мэнь ва Шанхай шаҳридаги Пудун тумани мавжуд. Газетхонларимизда аниқ тасаввур уйғотиш учун биргина Шэньчжэнь алоҳида эркин иқтисодий ҳудуди ҳақида қисқача ҳикоя қиламиз.

Шэньчжэнь шаҳри вужудга келишининг ўзи алоҳида ибратлидир. У Жанубий Хитой денгизи бўйида Сянган (Гонконг)га нисбатан иқтисодиёт ва замонавий шаҳарсозлик йўналишларида рақобатчи бир шаҳар тарзида вужудга келтирилган. Бошқача айтганда, у Хитой ва хорижий дунё ўртасида бунёдкорлик соҳасидаги баҳсда туғилган бир мўъжизадир. Инсоният уруш, хунрезликда эмас, балки бунёдкорлик майдонида ҳалол рақобат қилса, баҳсга киришса, бунинг самараси бошқача бўлишига, яъни фақат Ер юзидаги ҳаётнинг ободонлиги ва фаровонлигини янада ошириши мумкинлигига Шэньчжэнь ёрқин бир далилдир.

Шэньчжэнь шаҳри ўрнида бундан 25 йил олдин 20 минг нафар балиқчи яшаган бир қишлоқ бўлган. Ҳозирги кунда бу ерда 327,5 кв. километр майдонда 5,5 млн. аҳолиси бор, энг илғор замонавий меъморчилик намунасига айланган, юксак даражада тараққий этган шаҳар қад ростлаб турибди.

Шэньчжэнь шаҳрида «Юқори технологияли индустриал парк» мавжуд. Корхона 1996 йили ташкил топган, 11,5 квадрат километр майдонни эгаллайди. 2003 йилда корхонанинг экспортдан олган даромади 5,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шубҳасиз, бу корхона бизнес тараққиёти учун бой заминга айланган. Бу ерда 1300 та корхона ва компания бўлиб, уларда 78 минг ходим меҳнат қилади. Улар орасида 1000 дан кўпроқ фан доктори, 12 минг нафар фан номзоди бор. Ходимларнинг 50 фоизи олий маълумотли мутахассислардир.

Мазкур паркда энг сўнгги моделдаги компьютерлар, тиббиёт ва фармацевтика жиҳозлари ишлаб чиқарилади. Булардан ташқари, 40 та марказ фаолият олиб боряпти. Хитой ҳукумати ушбу паркни ривожлантириш мақсадида 100 миллион юань миқдорида маблағ ажратган. Бугун ана шу парк замонавий илмий-амалий тафаккурнинг ноёб неъматларини бермоқда. Хусусан, АҚШ ўтган 2003 йилда 2 миллиард доллар ҳажмида худди шу паркда ишлаб чиқариладиган сўнгги моделдаги компьютерларни сотиб олибди. Жорий йилнинг март ойида эса Франция ҳукумати ушбу парк бошқаруви билан янги моделдаги телевизорларни ишлаб чиқариш бўйича шартнома имзолаган.

Ҳатто АҚШ ҳам Индонезия ва Малайзиядаги компьютерлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналарини ёпиб, молиявий улушларини Хитойнинг мана шу паркига сарфламоқда. Ўтган йил Шэньчжэндаги мазкур юқори технологиялар корхонаси маҳсулотининг экспорти 600 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

Шэньчжэндаги юксак замонавий тараққиёт Хитой иқтисодиётидаги либераллашув, очиқ эшиклар сиёсати нақадар улкан самаралар бераётганлигини яна бир карра исботлайди.

**Аббосхон УСМОНОВ.**

*(Давоми бор).*

## Янги қўшма корхоналар

**Сўнгги беш ой ичида Навоийда қўшма корхоналар сони яна бештага кўпайди. Бу билан вилоятда фаолият юритаётган бундай корхоналар сони ўттиз олтитага етди.**

**Айни пайтда Нурота туманида фаолият юритаётган "Ғазғонмармар" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси маҳсулотлари нафақат ҳамдўстлик давлатлари, балки дунё бозоридан ҳам муносиб ўрин эгаллади. Қўшма корхоналарнинг барчаси маҳаллий хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган. "Конимех-Руно" жунни қайта ишласа, "NBK industru" ёғочдан мебел тайёрлаяпти. "Oqva Tudakul" эса балиқчиликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.**

**А. ХУДОЙБЕРДИЕВ.**



*Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Полиграфия, реклама, нашриёт иши ва қадоқлаш" мавзусидаги 1-ўзбек халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади. Кўргазмага мамлакатимизда фаолият юритаётган "Korus — Eor Co. LTD", "АТС —Турон" сингари ўндан зиёд қўшма корхоналар, фирма ва компаниялардан ташқари хорижлик ишбилармонлар, хусусан Ҳиндистондан "Grafitek international", Россиянинг "Полиграфспектор", Қозоғистоннинг "Фирма ТВЛ"ТОО сингари ишлаб чиқариш корхоналари ўз маҳсулотлари билан иштирок этаётир.*

*Кўргазмада турли даражадаги шартномалар имзоланиши кўзда тутилмоқда.*




*Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ"да эса "Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик воситалари, қадоқлаш ва ишлаб чиқариш технологиялари" 4-ўзбек халқаро кўргазмаси очилди. Унда мамлакатимиз ва хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган элликдан зиёд фирма ва компаниялар, ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари билан иштирок этаётирлар. Ҳамдўстлик мамлакатлари, шунингдек Германия, Туркия, БАА мамлакатларидаги йирик ишлаб чиқариш компанияларининг маҳсулотлари кўргазма иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Кўргазманинг илк кунидаёқ ўнлаб корхоналар ўзларига ишончли ҳамкорлар топишга ва кўплаб битимлар тузишга муваффақ бўлдилар.*

**М. ТОЖИЕВА;**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.**













*Эҳтиром*

# Созини сайратган санъаткор



***«Рубоб чалишга қизиқардим...»***
***«Рубоб чалишни ўрганиб олгач...»***
***«Қўлимга илк бора рубоб тутқазган устозим...»***

Кўплаб санъаткорларимизнинг таржимаи ҳоллари ана шу сўзлар билан бошланади. Кейинчалик эса, санъаткорнинг ижодида «рубоб» деган сўзни камдан-кам ҳолларда учратасиз. Бу бежиз эмас, албатта. Рубоб чалишни ўрганиш санъатга кириб келишнинг илк босқичи, унинг алифбоси ҳисобланади. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, устоз созанда Қобилжон Усмоновнинг ҳаёти ва ижодини эса, рубобсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

У илк бора Қоратош маҳалласида жойлашган мусиқа асбоблари ясайдиган устахонага шогирд бўлиб ишга кирганида рубобни қўлига олган эди. Пойтахтимиздаги Глиэр номли мусиқа мактабида, Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида, сўнгра Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқиб юрган дамларида ҳам рубобини қўлидан қўймади. Республикада хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Юнусов, халқ артисти, профессор Турғун Алиматов, хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Аҳмаджон Одилов каби устозларидан рубоб билан тиллашишни ўрганди.

1959 йилдан 1996 йилгача республика телерадиокомпанияси қошидаги ўзбек халқ чолғу оркестрида 40 йилга яқин рубоб билан сирлашди. Юнус Ражабий, Дони Зокиров, Фахриддин Содиқов, Ғанижон Тошматов, Саиджон Калонов сингари забардаст санъаткорлар билан ёнма-ён, ҳамнафас бўлиб ишлаш ва ўрганиш бахтига муяссар бўлди.

Рубоби билан Россия, Болгария, Финляндия, Болгария, Тожикистон, Қозоғистон, Польша, Мали давлатларини кезиб чиқди. Хорижлик мухлисларни улкан ва ўзига хос санъатимизнинг жозибаси ила баҳраманд этди.

Бир қўлда рубоб, бир қўлда қалам билан «Якка мусиқа» китобини ва Осиёда биринчи бўлиб «Бошланғич рубоб дарслиги»ни яратди. Дарслик тўлдириб борилди, қайта-қайта нашр қилинди.

Қ. Усмонов маҳорат билан ижро этган «Наврўзи ажам», «Мискин», «Жамолинг соғиниб», «Лолазорим», «Баҳор» сингари кўплаб мусиқалар телерадиокомпаниянинг олтин фондидан муносиб ўрин эгаллади.

Созига содиқ созанда, зукко домла Меҳр ва мурувват йили муносабати билан яқинда яна бир хайрли ишга бел боғлади. Қатор билим юртлари ва коллежларда «Ярим аср соз чалиб» деб номланган хайрия концерт дастурини намойиш этишни бошлади. Маданият институтида, мусиқа коллежида чиқишлар қилди. Унда устоз санъаткор бетакрор соз — рубобнинг хусусиятлари ҳақида гапирди, куйлар чалиб томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Ортиқ Отажонов, Маҳмуд Тожибоев сингари таниқли шогирдлари куй ва қўшиқлар ижро этишди.

— Концертларни уюштиришдан мақсад моддий манфаат кўриш эмас,— дейди биз билан суҳбатда Қобилжон ака. — Халқимизнинг ўзига хос ва такрорланмас сози — рубобнинг сирлари, жилваларидан йиғилганларни бохабар этиш, ёшларда рубоб, ундан таралаётган оҳангларга муҳаббат уйғотиш дастуримизнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Энг муҳими шундаки, у кишининг эллик йилдан буён соз ила айтаётган «сўз»лари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Шунинг учун ҳам Қобилжон Усмоновни қадрлайдиган, устоз дея эъзозлайдиганлар кўп. Бу эъзоз, бундай ҳурмат эса домлага янада илҳом бағишлаётир.

**С. МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Марғилонда — мақом мавжи

Марғилон шаҳар маданият ва истироҳат боғи юртимиз санъатининг Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов каби неча-неча дарғаларини бағрида ардоқлаган, эъзозлаган.

Мустақилликка эришганимиздан бери ҳар йили мумтоз қўшиқчи Маъмуржон Узоқов номи билан аталадиган танлов ёш истеъдодларни саралашда муҳим босқич бўлиб қолди. Ушбу хайрли анъана ёнига яна бир эъзозли, эътиборли тадбир қўшилди. Мана тўртинчи йилдирки, унда яккахон катта ашула ижрочилари билан бирга юртимизнинг барча минтақаларидан ташриф буюрган ҳаваскор мақом жамоалари ҳам қатнашишаяпти.

Кўрик-танловнинг бош шиори — мақом ва катта ашула ижрочилиги савиясини кўтариш, ёшлар ўртасида миллий мумтоз санъатига бўлган қизиқишни кучайтириш ҳамда ривожлантиришдан иборат бўлганлиги эътиборга моликдир.

Танлов икки йўналиш бўйича олиб борилди. Мақом жамоалари ўртасидаги басма-басда Олий соврин Фарғона вилоят Учкўприк тумани мақомчилар дастасига насиб этди. Урганч шаҳри ва Бўка туманидан ташриф буюрган мумтоз қўшиқ ижрочиларининг маҳоратларига ҳам юқори баҳо берилди. Катта ашула ижрочилари танловида эса мезбонлар — Маъмуржон ҳофиз ва Жўрахон ҳофиз ворислари — О. Қодиров, Т. Шарипов, Р. Отабоев, Н. Мамажоновлар тайёрлаган дастурлар жюри аъзолари ва томошабинларга маъқул келди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ESENYA қурилиш-инжиниринг фирмаси

БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

ESENYA Bau- und Handelinvestition GmbH Traunreut - Deutschland

НОГИРОН БОЛАЛАР УЧУН ЎЙИН МАЖМУАЛАРИ



Барчага маълумки, ҳаётда содир бўладиган айрим фалокатли ҳодисалар сабабли ногирон бўлиб қолган болалар ҳаракатли ўйинларда иштирок этиш қувончидан маҳрум бўладилар. Бу ҳолатлар уларнинг характерлари тобланишига, дунёқарашлари шаклланишига, атроф-муҳитга бўлган муносабатларига ўз таъсирини кўрсатади.

Бундай болаларда норасолик жиҳатлари шаклланади. Бизнинг вазифамиз — боланинг ушбу камчиликларни енгиб ўтишига ёрдам бериш.

Шунинг учун мутахассислар билан ҳамкорликда ногирон болалар учун болалар мажмуалари, ўйин тизимлари ишлаб чиқарилган бўлиб, улар бунда ўзларининг заифликларини эсдан чиқарадилар, соғлом болалар билан ўйин жараёнига жалб этиладилар.

Болалар руҳияти таъсирчан бўлганлиги сабабли улар тезда ўзларидаги нуқсонларни ва ноқулайликни эсдан чиқарадилар.

Болалар юзидаги табассумни кўриб, меҳнатимиз зое кетмаётганлиги ва кимларгадир шодлик келтираётганлигини қониқиш билан ҳис этамиз.





Ногирон болаларга мўлжалланган соғломлаштириш мажмуалари ва ўйин тизимларини ишлаб чиқарган фирмамиз 2002 йилнинг декабрь ойида Брюссель шаҳрида ўтказилган «ЕВРОМАРКЕТ-2002» танловида лауреат бўлди.

Бош менежер Шавели Матвелиев.

700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 49-уй. Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.



SV Черепица

Цемент — қумли ЧЕРЕПИЦА

МЧЖ «SV CO LD» Маҳсулот сертификатланган



2003 йил Лондон шаҳрида «QUALITY CROWN» Сифат учун халқаро соврин ва сертификат билан тақдирланган.



Гўзал томинг остида.

Манзил: Тошкент ш., «Самарқанд дарбоза» к., 1. («Чорсу» меҳмонхонаси атрофида). Телефонлар: 184-42-61, 188-61-42, 189-61-42, 45-85-72, факс 199-45-57.

ЧЕРЕПИЦА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН УСКУНАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ.


# Архив — ишончли тарих

Жиззах вилоят Давлат архивларида Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатлари ҳисобини олиб боришни такомиллаштириш масалаларига бағишланган республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Анжуманда миллий архив фонди таркибига кирувчи кино, сурат ва овозли ҳужжатларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари, илмий техникавий ва тиббиёт ҳужжатларининг аҳамияти ҳақидаги маърузалар тингланди.

Семинарда Наманган вилояти Давлат архивининг бу борадаги ишларини оммалаштириш зарурлиги таъкидланди.

**Б. САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


«ЎЗТРАНСГАЗ» акциядорлик компаниясининг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри чиқувчи Ўзбекистон Республикасидаги табиий газнинг улгуржи истеъмолчилари бўлган ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ шуни маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2004 йил 26 майда тасдиқлаган № 19-03-РУз-44-2004 й. нархлар прейскурантига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган газнинг баҳоси 2004 йил 1 июндан бошлаб қўшимча қиймат солиғи билан 1000 куб метр газ учун 29000 сўм миқдорида белгиланди.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!


## Қинғир иш — келтирар ташвиш

***Яширадиган жойи йўқ: кунлар исиб, ҳарорат кўтарилган сайин бир финжон пиво ичиб, чанқоғини босишга орзумандлар кўпаяди. «Нукус деҳқон бозори» ҳамда унинг атрофидаги тижорат дўконларини айланган киши бунга ишонч ҳосил қилиши мумкин. Аммо, бир неча кун бўлдики, мижозлар тижорат дўконларидаги ушбу ичимлик солинган шишаларга ҳадик билан қарайдиган бўлиб қолишди. Сабаби пештахталарда сохта пиволар кўпайиб кетганлиги экан.***

# Касални яширсанг...

Қорақалпоғистон Давлат солиқ бошқармаси ходимлари яқинда нукуслик сохта пивофурушнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйдилар. Шаҳарнинг «Роҳат» кўчасида яшовчи фуқаро Пўлат Тўлегеновнинг «цехи»ни кўриб Нукус шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимларининг оғзи очилиб қолди. Бунақанги антиқа шохобчани улар биринчи бор учратишлари эди.

Цехда олти хил пиво тайёрлаб қўйилган экан. 1414 шиша «Қибрай», 78 шиша «Чимкент», 120 шиша «Бочкарёв», 245 шиша «Браво», 20 шиша «Солодов», 80 шиша «Золотая бочка». Боз устига икки шиша «Браво», 100 шиша «Қибрай» пивоси тайёрлангану қопқоқ босишга улгуришмабди. 10 минг дона пиво шишалари қопқоқлари тайёрлаб қўйилган. Цехнинг ўртасида пиво тайёрланадиган қўлбола «сепаратор».

Пўлат Тўлегенов спиртли ичимлик тайёрлашда устаси фаранг экан.Унинг учун ароқми, вино ёки пивоми фарқи йўқ, тайёрлайвераркан. «Кичик спиртли ичимликлар корхонаси»дан акциз маркасиз 11 шиша «ароқ» ҳам топилди. Солиқчилар ушбу яширинча шохобчани фош этмаганларида бу «қўлбола» ичимлик яна қанча кишиларни заҳарлаган бўларди, дейсиз. Сохта тадбиркор 209 шиша «Портвейн-53» виносини тайёрлаб, уларга акциз маркаларини ёпиштиришга улгурмабди. Қўлбола винонинг бир қисми эса елим идишга қуйиб қўйилган. Тадбиркор нозик таъб одамларни ҳам эътибордан қолдирмабди. 4 шиша «Старая Англия» виносини тахт қилиб қўйибди.

Табиийки, П. Тўлегенов тайёрлаган қўлбола ичимликлар қандай қилиб сотилиши тўғрисида савол туғилиши мумкин. Бу ҳақда сўралганда у ҳар хил важкарсон излаб кўрди. Аммо солиқ бошқармасининг синчков ходимлари унинг «ишлаб чиқариши» маҳсули бўлган қўлбола ичимликлардан 853950 сўмлиги «Нукус деҳқон бозори» ҳудудидаги дўкон сотувчиси Д. Бердимуратова, 552150 сўмлиги шу ердаги яна бир дўкон сотувчиси З. Бердимуратова томонидан пулланаётганлигини аниқладилар. Зеро, «Қинғир иш — келтирар ташвиш», деб беҳудага айтишмайди. Тўлегенов томонидан тайёрланган жами 2365180 сўмлик спиртли ва яхна ичимликлар Нукус шаҳар санитария-эпидемиология муассасасининг хулосасига кўра қўлбола эканлиги исботланди. Яширин «цех» тўғрисидаги материаллар Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига ўтказилди. Энди сохта тадбиркор қонун олдида жавоб беради.

Тадбиркорлик ва ишбилармонликдан мўмай даромад олишга бел боғлаган кишиларга айтадиган гапимиз битта: қонунга, қонунга ва фақат қонунга риоя қилган ҳолда иш юритинг. Акс ҳолда ўзингизга ҳам, бошқаларга ҳам жабр қиласиз.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


O'zLotto

“ЎзЛотто” лотереяси 24-тиражининг ҲИСОБОТИ

Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган сонли “O'zLotto 6\40” телевизион лотереясини ўтказиш шарт ва қоидалари асосида ўтказилди.

Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 18 27 31 15 39 11

Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 29 май

Ўйналган ютуқлар:

| Ютуқ категорияси | Ютуқ фонди | Ютуқлар сони | Бир ставка ютуғи |
|---|---|---|---|
| 6 та тўғри топилган сон учун | 100 000 000 | 0 | 0 |
| 5 та тўғри топилган сон учун | 1 648 525 | 1 | 1 648 525 |
| 4 та тўғри топилган сон учун | 379 475 | 38 | 9 986 |
| 3 та тўғри топилган сон учун | 1 328 162 | 462 | 2 874 |

Ютилмаган совринлар кейинги тираж ютуқ жамғармасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 5 июнь куни ўтказилади.

Кейинги тиражнинг ЖЕК-ПОТ суммаси: 100 000 000 сўм

Тўкин ҳаёт сари!

Тошкент, Ниёзбек йўли 24 тел. 136-70-69



РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЛИНОЛЕУМЛАРНИ ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.

Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.



Телефон 134-48-11.


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати раҳбари Равил Ваҳобович Абдуқодировга акаси

**Абдувакил АБДУҚОДИРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси аппарат раҳбари Равил Ваҳобович Абдуқодировга акаси

**Абдувакил АБДУҚОДИРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси

**Мияссар Абдуллаевна ЗАКИРОВАнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти жамоаси институт болалар боғчаси мудираси Л. Ғофуровага турмуш ўртоғи

**Махамаджон ҒОФУРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент юридик коллежи жамоаси «Ижтимоий фанлар» кафедраси ўқитувчиси Миркомил Мирпўлатовга акаси

**Мирсоат ШОМУРОДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —669. 28745 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т—Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Р. Ёрлақабов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди - 22.20 1 2 3 4 5